O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
16 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 100
(12.216)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2010 йил – Баркамол авлод йили

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ўз истиқболига умид ва ишонч билан боқувчи миллат соғлом ва билимдон фарзандлар тарбиясини ҳаётнинг энг асосий мазмун-маъноси деб билади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари барча эзгу ниятларимизнинг марказида ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Бу мулоҳазалар эртанги кунидан умидвор ҳар бир инсон учун ниҳоятда азиз. Унинг қанчалик ҳаққонийлигини биз, ўқитувчилар айниқса, теранроқ ҳис этамиз.

2010 йилни мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиш таклифи ўртага ташланганида "Ўзбекистон" Халқаро анжуманлар саройида гулдурос қарсаклар янгради. "Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз", деди Юртбошимиз.

Куни кеча эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Унда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун барча зарур имконият ва шарт-шароитларни яратишнинг кенг кўламли вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди. Уларни амалга ошириш ёшлар сиёсати соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларни янги, янада юксак босқичга кўтаради.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган истиқболли дастурлар, ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги изчил ва чуқур ислоҳотлар натижаси бу йўл ягона тўғри йўл эканлигини тасдиқламоқда. Биз шу йиллар мобайнида Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашига, мамлакатимиз иқтисодиётини янги изга солишга, уни барқарор ривожлантиришга эришдик. Маънавий-маданий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди.

Халқ таълими соҳасидаги янгиланишлар самарасини бизнинг мактабимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Бугун у катта шаҳарлардаги мактаблардан қолишмайди. 1176 ўқувчига мўлжалланган бино обод шаҳарларга ҳам кўрк бўла олади. 40 та фан кабинетида дарслар энг янги таълим воситаларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Битта хона 16 та компьютер жамланмаси билан жиҳозланган. Ўн минг китобга эга замонавий ахборот-ресурс марказимиз ҳар йили янги бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, бошқа қўлланмалар билан тўлдириляпти. Музей, маънавият ва маърифат хоналаридаги машғулотлар ўқувчиларимиз маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутаётир.

Бугун мактабимизда 1200 ўқувчи билим олаяпти. Дарс машғулотларининг сифатини янада оширишга интилаётган 90 ўқитувчининг асосий қисми юқори касб тоифаларига эга. Мен бугун ўзим билан ёнма-ён ишлаётган Сорахон Раймжонова, Зокиржон Акромов, Муҳаббатхон Парпиева, Мавжуда Жонтўраева, Умида Ғозиева сингари шогирдларим борлигидан ғурурланаман.

Давлатимиз Халқ таълими соҳасидаги хизматларимни муносиб тақдирлади. 2003 йили Президентимиз Фармони билан "Халқ ўқитувчиси" унвонига эга бўлдим. Куни кеча давлатимиз раҳбари мени Оқсаройда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирладилар.

"Ўзбекистон" Халқаро анжуманлар саройида Президентимизнинг Баркамол авлод йилининг устувор вазифаларига доир йўл-йўриқларини тинглаётиб, қалбимда ҳаммамиз учун азиз ва ягона Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардан чексиз ифтихор ҳис-туйғуларини туйдим. Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшаётганлигимдан фахрландим.

Қосимжон ЁҚУБОВ,
Бекобод тумани Далварзин қишлоғидаги 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Қишлоқ мулкдорлари

БУ БОҒЛАР КИМНИКИ, ДЕБ СЎРАРСИЗ...

Уч-тўрт йил бурун бу ерлар дарахтлари қуриб, синиб, қўйтикан босиб ётган ташландиқ боғ эди. Бугун эса ҳақиқий қишлоқ мулкдорларининг қўли етиб, қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Собиқ "Дўстлик" ширкатлар уюшмаси ҳудудида яна бир мевали боғ барпо этилди.

Энди шу томонларга йўли тушган оҳангаронликларнинг кўнглидан "Бу боғлар кимники экан?" деган савол кечса ажаб эмас.

Бу "Қуролполвонтоғ" фермер хўжалигининг боғи. У 2006 йили ташкил топди. Фермерликни ихтиёр этган Мамлакат Тошметова ўғиллари Бахтиёр, Фарҳод, Фарруҳ ва укаси Ҳабибулло ёрдамида ташландиқ боғни тартибга келтиришга киришди. 2007 йил кўкламда 500 туп "Обильный" нав олхўри кўчатлари ўтқазилди. Ишни давом эттириш, яъни эски боғни тозалаш, кўчат экишга тайёрлаш учун маблағ керак, албатта. Бу муаммони ҳал этиш учун, янги боғнинг қатор ораларига беда экилди. Уни сотишдан тушган маблағга кўчат харид қилинди ва 2008 йили яна 500 туп "Суперлето" нав олхўри кўчати экилди. Бу йил кўшиб берилган 3,82 гектар ерда ҳам японларнинг 2200 туп "Обильный" нав олхўрисидан иборат янги боғ яратилди. Шундай қилиб, ҳозир 6,5 гектарли олхўри боғидаги кўчатлар 3200 тупга етди.

– Боғимиздаги олди дарахтлар бу йил нишона кўрсатди, – дейди Мамлакат Тошметова. – Бу биз учун қўш қувонч бўлди. Биринчидан, уч-тўрт йиллик машаққатли меҳнатимизнинг илк мевасини кўрдик. Иккинчидан, олхўри навларини танлашда янглишмаган эканмиз. Мевасининг ранги ловуллаган чўғдек қипқизил. Айниқса, ширасига гап йўқ. Насиб этса, 2010 йил февраль ва март ойларида яна 1,5 гектар ерга олхўри экамиз. Шунда ранги кўзни, шираси эса томоқни оладиган олхўри боғимиз 8 гектарга етади.

СУРАТДА: фермер Мамлакат Тошметова.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Вилоят ҳаёти

ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур қарор аграр соҳадаги ислоҳотларни янада ривожлантириш, қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Қарорда хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва моллар, омухта ем ва шарали озуқа билан таъминлаш, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса жойлардаги давлат ветеринария бошқармалари ва бўлимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ана шу мақсадда Пскент туманида иккита зооветеринария пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармасидан олинган маълумотга кўра, мамлакатимиз раҳбари қарори ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда вилоятда 176 зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчаси фаолият юритмоқда.

ЎзА.

АВТОБУС ҚАТНОВИ ЯХШИЛАНДИ

Зангиота туманининг Бўзсув қишлоғига қатновчи йўловчи транспорт яна иккитага кўпайди.

Янгиобод маҳалласидан Янгийўл шаҳар деҳқон бозорига автобус қатнови йўлга қўйилди. Тошкентнинг Чилонзор метро бекати билан Наврўз, Улуғбек, Янги турмуш маҳаллаларига Назарбек орқали янги йўналиш очилди. Бу қурилиш ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига катта қулайлик туғдирди.

МАҲСУЛОТ ТУРИ ОРТМОҚДА

Зангиота туманидаги "Зийнат-зиё" хусусий корхонаси 50 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ётоқхона, офис ва ўқув муассасалари учун мўлжалланган юмшоқ мебелларга талаб ортиб боряпти. Хитойдан олиб келинган энг замонавий технологиялар маҳсулот сифати яхшиланиб, рақобатбардошлиги ортишига имкон яратаётир.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ЮЗАКИ ЁНДАШУВ ФАҚАТ ЗИЁН КЕЛТИРАДИ

Кейинги ойларда Марказий Осиё мамлакатларида электр энергияси таъминотидаги баъзи муаммоларга доир мақола ва материаллар эълон қилинмоқда. "Жаҳон" ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, шу йилнинг 12 ноябрида Қозоғистоннинг "Республика" газетаси "Ўғричиликка чидолмаймиз!" сарлавҳали мақолани чоп этган. Унда ёзилишича, Тожикистон бевосита Марказий Осиёнинг бирлашган энерготизимидан электр энергиясини олиб қўйиш билан шуғулланган.

Орадан бир ҳафта ўтмай, 18 ноябрь куни Россиянинг "Известия" газетаси "Тожикистон узилиб қолиши мумкин" сарлавҳали мақола эълон қилиб, ушбу мамлакатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ўз ўқувчиларини бохабар этди. Худди ўша куни бошқа бир матбуот нашри – "Независимая газета" ҳам "Москва Душанбени зулматга ғарқ этади" сарлавҳали материали ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилди. "Полит.ру" сайти эса 18 ноябрь куни "Тожикистоннинг оғир қиши" мақоласида Душанбенинг энергетика соҳасида олдиндан пухта режалаштириб олинмаган бундай саъй-ҳаракатлари келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларни таъкидлаб кўрсатди.

Аслини олганда бу шов-шувларнинг ибтидоси анча олдинда. Гап шундаки, собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё республикаларида бирлашган энергетика тизими яратилган бўлиб, у марказдан молиялаштирилар ва бошқариларди. Бу республикалар ўз мустақиллигига эришгач, ушбу тизимдан путур кетди, у бирлашган ҳолатдаги ҳуқуқий мақомини йўқотди. Бу охир-оқибат айрим мамлакатлар томонидан умумий тармоқдан электр энергиясини узатиш ва олиш меъёрлари бузилишига, ҳалокатли ҳолатлар рўй беришига олиб келди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида юқоридаги сингари материллар пайдо бўла бошлади.

Шундай бир шароитда 2003 йилиёқ Туркманистон бу тизимдан тўлиқ чиқиб кетди. Қозоғистон бўлса, шу йилнинг ўзида икки марта 2-3 ойлаб бирлашган энергия тизимидан чиқиб турди.

Табиийки, шундай бир шароитда Ўзбекистон бирлашган тизимда қола олмасди. Зеро, аҳвол шундай давом этиши оқибатида мамлакатимиз энерготизими фаолияти издан чиқиши ҳам мумкин эди.

Лекин Ўзбекистон сўнгги пайтгача яқин қўшничилик алоқаларига, халқаро меъёр ёки ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга содиқ қолди, улар бузилишига асло йўл қўймади.

Лекин воқеаларнинг ривожланиши туфайли Ўзбекистон манфаатдор томонларни, шу жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонни ўз режалари хусусида олдиндан белгиланган тартибда хабардор қилиб, 2009 йил 1 декабрдан Марказий Осиёнинг бирлашган энергия тизимидан чиқажаги ҳақида расман огоҳлантирди. Энди бу қадам ОАВда турлича талқин қилинаяпти, воқеаларнинг келиб чиқиши ва моҳияти нотўғри баҳо бериляпти. Жумладан, Россиянинг "Вести 24" янгиликлар канали шу йилнинг 1 декабрида Тожикистон телевидениеси тайёрлаган лавҳани намойиш қилиб, шундай ҳолатга йўл қўйди. Бу юз берган вазиятни юмшатиш, бу соҳадаги ҳамкорликни икки томонлама келишувлар ва халқаро қонун доирасида мустаҳкамлашга, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга асло хизмат қилмайди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

АСОСИЙ САБАБЧИ ЯНА ЎЗИМИЗ

Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ойлик давомида ташкилий-тарғибот ишларини ҳар қачонгидан кучайтирмоқдалар. Милиция профилактика нозирлари ва газлаштириш корхоналари ходимлари ҳамкорлигида газ ва газ асбоб-ускуналаридан чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Маҳалла, корхона ва уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари, мактаб ва бошқа ўқув юртларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Лекин доимий огоҳлантиришларга, тинимсиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, катта моддий ва маънавий зарар етказаётган ёнғинлар ҳамон рўй бераяпти. Фожиалар одамларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, яшаш тарзининг оддий тамойилларига амал қилмасликлари туфайли содир бўлмоқда. Мисол учун Янгийўл шаҳри, Шодлик кўчасидаги А. Мусаевга қарашли уйда газ плитаси ёниқ қолдирилиши сабабли ёнғин содир бўлган.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг бебаҳо бўлган инсон ҳаётини фалокатдан асраш ҳаммамизнинг ишимиз. Шу боис ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни ўз пайтида кўрайлик. Ёнғин назорати ходимлари аниқлаган барча камчиликларни шошилинч бартараф этиш бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Ўт балосидан жабр чекмаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қонун-қоидаларига амал қилайлик!

Барно АЗИМОВА,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси нозири.

ЖОЗИБАДОР ГИЛАМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Амалий санъат музейида гиламлар кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тасвирий ва амалий санъат, миллий ҳунармандликни кенг ривожлантириш, бу йўналишдаги қадимий ва бой анъаналарни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар гиламдўзлик санъатида ҳам ўз аксини топмоқда.

Юртимизда қадимдан ривожланиб келган гиламдўзлик санъати ўз анъаналарига эга. Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон, Андижон гиламчилик мактаблари нақшлари, ранглари, юксак жозибаси, анъанавий ва маҳобатли санъатнинг нодир дурдоналарини ўзида мужассам этгани, пахта, ипак, зиғир каби табиий ўсимлик толаларидан тўқилгани билан хорижда ҳам ғоят қадрланади.

Кўргазмада юртимизнинг турли ҳудудларига хос саксондан зиёд гилам намойиш этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

2010 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси — 205.



Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Бу сайловга тайёргарликнинг дастлабки босқичида эришилган яна бир ижобий натижа шундан иборат бўлдики, халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик ўринларига партия ташкилоти 25 та сайлов округи бўйича ўзининг синалган аъзоларини номзод қилиб кўрсатди. Улар туман сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниб, шу кунларда ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар.

Партия туман кенгашидан Халқ депутатлари вилоят кенгашига 4, халқ депутатлари туман кенгашига 25 номзодни тавсия этди. Улар тегишли тартибда рўйхатга олиндилар. Шу кунларда барча сайлов округларида номзодлар ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар. Асосий эътибор бу сайловларда партиянинг дастурий вазифалари, сайловолди платформасини тушунтиришга, кенг омма ишончини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Партия мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар, енгилликлар ва қулайликлар яратишнинг қонунчилик асосларини кенгайтиришни ўзининг етакчи дастурий мақсади сифатида белгилаб олган. Табиийки, қонунчилик асослари қанчалик мукаммал, имтиёзлар доираси кенг бўлмасин, бозор муносабатлари шароитида улардан оқилона фойдаланиш билим, тажриба, юксак салоҳият талаб қилади.

Турли сиёсий партиялар ўртасида ҳар бир депутатлик ўрни учун рақобатли кураш қизғин тус олган бир пайтда сайловолди кампаниясини муваффақиятли, таъсирчан ташкил этиш осон эмас. Мамнуният билан шуни таъкидлаш мумкинки, сайловолди учрашувлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоялари ва дастурий вазифалари кенг жамоатчиликка яқин ва тушунарли эканлигини тасдиқламоқда.

Партияларнинг ташвиқот материалларини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ТАРАФДОРЛАРИМИЗ КЕСКИН КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақил тараққиёт йўлида янги босқич бошланадиган паллага тобора яқинлашиб бормоқда. Бу босқич 27 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига ўтадиган сайлов кунидан бошланади.

Шу куни халқимиз демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, жонажон Ўзбекистонимизда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, мустақил ҳаётимизнинг адолатли қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, фаровон турмуш учун овоз беради.

"Адолат" социал-демократик партияси бўлажак сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. Туманимиз партия ташкилотларининг сайловолди тайёргарлик ишлари бунинг яққол далили бўла олади. Биз сайловларни уюшқоқлик билан ўтказиш, унда муваффақиятли иштирок этиб, сайловчиларнинг ишончини қозониш, кўпроқ овоз олиш учун тайёргарликни анча барвақт бошладик.

Бу саъй-ҳаракатлар уч йўналишда олиб бориляпти. Аввало, одамлар орасига кириб бориб, "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларини кенг тушунтирдик. Ижтимоий адолат, улуғ бобомиз Амир Темур айтганларидек, куч – адолатда, қонунлар устуворлиги учун курашаётган Ўзбекистон жамиятида ҳуқуқ ва эркинликлар тенг эканлиги ғояларини кишилар онгига сингдириш учун тарғиботнинг хилма-хил воситаларидан фойдаланмоқдамиз.

Натижада партиямиз тарафдорлари кўпайиб боряпти. Кўпинча бундай учрашув ва суҳбатлар "Адолат" сафига янги-янги аъзолар қабул қилиш билан якунлана бошлади. Шу ўринда биргина мисолни келтириб ўтиш ўринли. Мен бу воқеани бот-бот эслайман. Бир учрашув чоғида фақат Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежининг ўзида бирйўла 60 талаба ва 10 ўқитувчи "Адолат" партияси сафида бўлиш истагини билдирди. Уларни сафимизга қабул қилиб, шу ернинг ўзида расмийлаштирдик, партия билетлари топширдик.

Ўтган сайловлар чоғидаги камчиликларни ҳисобга олиш, амалий ва таъсирчан тарғибот-ташкилотчилик ишлари оқибатида партиямизнинг бошланғич ташкилотлари 32 тага кўпайди.

Иккинчидан, одамларнинг муаммоларини тинглаш, уларни ҳал этиш учун изчил курашиш ҳам партиямизга бўлган ишончни кучайтирмоқда. Бевосита мулоқот, аҳолининг дарди, ташвиши, ҳаётий масалаларини ўрганиб, уларни ечиш учун барча қонуний имконият ва воситаларни ишга соляпмиз.

Ва ниҳоят, туманимиз аҳолиси ўртасида партиямиз таъсирини ошираётган яна бир муҳим омил – халқ депутатларининг амалдаги туман кенгаши таркибида фаол иш олиб бораётганлигимиздир. Халқ депутатлари туман кенгаши аграр, сув хўжалиги, экология ва ободонлаштириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси сифатида агросаноат ходимлари, фермерлар, қишлоқларда қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этаётган хусусий тадбиркорлар билан ишлаш жараёнида уларни партиямиз ғоялари ва дастурий вазифалари билан кенг таништирмоқдаман. Шунинг оқибатида айни шу кунларда аҳолининг барча табақалари орасида партиямизнинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватловчилар кўпайиб бораяпти.

Мана шундай аниқ, мақсадли саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бугун ҳар бир қишлоқда, маҳаллада "Адолат"чилар ва уларнинг тарафдорлари қизғин сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаяпти. Биринчи маротаба туман партия кенгашимиз халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлигига энг кўп вакилларини номзод қилиб кўрсатди. Тошкент Давлат аграр университети доценти Нодира Раупова 31-Янгиобод, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг туман бўлими раҳбари сифатида ўзим 32-Байтқўрғон ва "Қизил Ярим ой" жамияти вилоят кенгашининг раиси Нигора Рустамова 30-Чинобод сайлов округларидан Халқ депутатлари вилоят кенгашига номзод сифатида рўйхатга олиниб, ўз сайловчиларимиз билан учрашувларни бошлаб юбордик.

Бу сайловга тайёргарликнинг дастлабки босқичида эришилган яна бир ижобий натижа шундан иборат бўлдики, халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик ўринларига партия ташкилотимиз 25 та сайлов округи бўйича ўзининг синалган аъзоларини номзод қилиб кўрсатди. Улар туман сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниб, шу кунларда ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар. Бу жонли мулоқотлар чоғида "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий вазифалари кенг тушунтирилмоқда.

Жумладан, Халқ депутатлари туман кенгашига 1-сайлов округидан номзоди кўрсатилган Олим Сулаймонов «Тараққий», «Ёнариқ», «Қурилиш» ва «Янги ҳаёт» маҳаллалари аҳолиси билан учрашди. Округ ва участка сайлов комиссияларининг раислари Ғайрат Назаров билан Абдурасул Абдуазимов учрашув очиқ-ошкора руҳда ўтишини таъминлашди. Номзод дастурининг асосий йўналишлари – ижтимоий адолат, ёшлар сиёсати, долзарб ҳудудий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият идоралари билан амалий ҳамкорликка доир мулоҳазалар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

"Афсар-компани LTD" бош директори Бахтиёр Шайхов номзоди кўрсатилган 7-сайлов округида ҳам учрашувлар қизғин ўтаяпти. Чунончи, Исломобод, Бобур кўчалари, Ойбек маҳалласи аҳолиси билан учрашув чоғида номзод "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурида кўзда тутилган ғоялар ва вазифаларни кенг тушунтириб берди. Ижтимоий адолатни қарор топтириш партия дастурий вазифасида устувор ўрин тутиши, унга эришиш учун амалдаги қонунлар кучидан оқилона фойдаланилиши ҳақидаги фикрларни ҳамма қизиқиб тинглади. Бу ижтимоий ҳимояни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ёшлар сиёсатига оид мақсадлар партия аъзолари ва электоратимизнинг истак ва иродаларини ифодалаётганлигини тасдиқлади. Шундай эзгу мақсадларга интилаётган номзодларимиз сайловда ғалаба қозонишларига умидимиз катта.

Фахриддин ХОЛДОРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қибрай туман кенгаши раиси.

ОДАМЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИГА ТАЯНИБ

Ўзбекистонда Парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловлар яқинлашмоқда. Ушбу давр сиёсий-ҳуқуқий фанларда электорал циклнинг ўзгариш арафаси деб номланиб, унда ўтган сайловлар натижалари саржисоб қилинади, қонунчилик самарадорлиги аниқланади, уни ривожлантириш истиқболлари белгиланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Зангиота тумани кенгаши ҳам сайловлар арафасида вакиллик органларига сайланган депутатлар фаолиятини ўрганиб, ҳар бир округдан депутатликка номзод сайловолди дастурини муҳокама қилди. Уларда партиянинг сайловолди платформаси доирасида маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумати ва бошқа органлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросига аҳамият берилмоқда. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари тасдиқланган режа асосида олиб борилмоқда.

Маълумки, фуқаролар сайловларда муайян номзод орқали сиёсий дастур учун овоз берадилар. Унинг ижроси сайловларга ва сайланадиган органларга муносабатни белгилайди. Лекин мукаммал дастурнинг ҳам барча фуқаролар манфаатларини ифода эта олмаслиги табиий. Шу туфайли биз нафақат сайловлар арафасида, балки уларнинг орасида ҳам вакиллик органларидаги ўз аъзоларимиз орқали фуқароларнинг умумий манфаатларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун жамоатчилик фикрини изчил ўрганиш, қабул қилинаётган қарорларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз партиямиз туман кенгашидан Халқ депутатлари вилоят кенгашига 4, халқ депутатлари туман кенгашига 25 номзодни тавсия этдик. Улар тегишли тартибда рўйхатга олиндилар. Шу кунларда барча сайлов округларида номзодлар ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар. Асосий эътибор бу сайловларда партиямизнинг дастурий вазифалари, сайловолди платформасини тушунтиришга, халқимизнинг азалий қадриятлари, бой маданий меросимизни авайлаб-асраш, баркамол янги авлодни тарбиялашни, она-Ватан куч-қудрати ва салоҳиятини оширишни ўз дастурий вазифаси деб белгилаган партияга кенг омма ишончини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтириш партиямизнинг сиёсий соҳадаги асосий вазифаларидан биридир. У фуқароларнинг сайловлардаги фаоллигини оширишдан бошланади. Фуқароларнинг сайловлардаги иштироки Ўзбекистон конституциявий тузуми асосларидан бири бўлган халқ ҳокимиятчилигидан келиб чиқади ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларида ўз аксини топади. Шу туфайли депутатликка номзодларимизнинг сайловолди дастурлари учрашувларда тушаётган таклифлар инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Айтиш лозимки, фуқароларнинг сайловлардаги фаол иштироки мамлакатимизда сайловлар аҳамияти, уларни ўтказиш тартибини кенг оммага турли шаклларда тарғиб қилиниши, номзодлар, сиёсий партияларга ўз дастурий вазифаларини аҳолига етказиш учун кенг имкониятлар яратилиши билан таъминланмоқда. Бундай сайловлар ҳақиқий демократия мактаби бўлиб, фуқаролар манфаатларини ифодалаб, уларни сайланган номзодлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишига хизмат қилади. Айнан электорал фаоллик сиёсий ҳаётда фуқаролар иштирокини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқий маданиятини узлуксиз юксалтиришга ва сиёсий ижтимоийлашувига хизмат қилади.

Бугунги жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози оқибатларини енгиш, барқарор ривожланишга эришиш фуқароларнинг фаол бўлиши, ҳокимият вакиллик органларининг масъулиятини кучайтиришни тақозо қилмоқда. ЎзМТДП Зангиота тумани кенгашида маҳаллий кенгашлар фаолиятидаги сусткашлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг салбий оқибатлари олдини олишга қаратилган чораларни бажаришда намоён бўлаётганлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу камчиликни бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор партия ташкилотимизнинг Халқ депутатлари туман кенгашидаги гуруҳида муҳокама қилиниб, депутатлар масъулиятини кучайтиришга доир тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, сайлов – бу нафақат оммавий ҳокимият органларини шакллантириш, балки улар халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш воситасидир. Шу туфайли фуқароларнинг сайловлардаги фаоллиги, сайланадиган органларга ишончини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятида кенг иштироки сайловолди сиёсий кампанияси руҳиятини даврий ва узлуксиз жараёнга айлантиради. Шу жиҳатдан ЎзМТДП сайловолди платформасининг шакланиши ва уни рўёбга чиқариш тадбирлари фуқароларни "Юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги!" мақсади атрофида бирлашишга мустаҳкам замин бўла олади. Умид қиламизки, партиямизнинг бу платформасини сайловчилар кенг қўллаб-қувватлашади, партиямиз ҳокимият вакиллик органларида ўз саъй-ҳаракатларига муносиб ўринга эга бўлади.

Азизжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси "Миллий тикланиш" демократик партияси Зангиота тумани кенгаши раиси ўринбосари, юридик фанлари номзоди.

БУГУНГИ САЙЛОВЧИ БЕФАРҚ ЭМАС

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жуда катта сиёсий кампания – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар яқинлашмоқда. Депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари давом этаяпти.

Шу кунларда округ ёки участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ташкилотчилик саъй-ҳаракатлари айниқса тиғиз. Бир томонда сайловчиларнинг рўйхатига аниқлик киритиш, унинг электрон вариантларини яратиш қизғин тус олган бўлса, иккинчи томонда номзодларнинг учрашувлари алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки, сиёсий партияларнинг сайловчилар мутлоқ ишончини қозониш йўлидаги курашида рақобат тобора кучаймоқда. Бу ҳолат ҳар бир масалага сиёсий нуқтаи назардан ёндошишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, сайлов ниҳоятда катта сиёсий воқеа. Мамлакат истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг талаб ва андозаларига мос келадиган демократик давлатни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари халқ вакиллик органлари фаолиятига талабларни муттасил ошириб бораяпти. Мана шу сайловлар арафасида ҳам турли сиёсий нуқтаи назарлар, хилма-хил фикр-мулоҳазалар, орзу-умидлар ва ижтимоий кайфиятлар яққол намоён бўлаётир. Бугунги долзарб муаммо жаҳон инқирози салбий оқибатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга таъсирини йўққа чиқаришдан иборат. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган вазифалар ҳам шунга қаратилган.

Партиямиз мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар, енгилликлар ва қулайликлар яратишнинг қонунчилик асосларини кенгайтиришни ўзининг етакчи дастурий мақсади сифатида белгилаб олган. Табиийки, қонунчилик асослари қанчалик мукаммал, имтиёзлар доираси кенг бўлмасин, бозор муносабатлари шароитида улардан оқилона фойдаланиш билим, тажриба, юксак салоҳият талаб қилади.

Шу боис биз Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашларига номзодларни танлаш, саралаш ва тавсия этишга алоҳида масъулият билан ёндошдик. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, уларни саралаб олишда замонавий билимли, иқтидорли ёшларга устунлик бердик. Зеро, бугун камол топиб, бозор иқтисодиёти шароитида ўз хусусий ишини бошлаётган, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда муносиб ўринларини топишга ишонч билан интилаётган ёшлар орасида малакали мутахассислар, амалиётчи-ташкилотчилар кўп. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси шаҳар кенгаши Халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлигига кўрсатган номзодларнинг 21,5 фоизини 30 ёшгача, 32,2 фоизини 40 ёшгача, 39,2 фоизини 50 ёшгача бўлган кишилар ташкил этмоқда.

Биз ҳақиқий интеллектуал мулк эгалари – тадбиркор ва фидойи, ҳар томонлама етук, комил янги авлод вакилларига алоҳида ишонч билдирмоқдамиз. Номзодларимизнинг ўртача ёши 39 да. 28 номзоднинг 35,7 фоизини аёллар ташкил этаяпти. Номзодларимиз орасида "Хушнудбек замин файз" масъулияти чекланган жамият раҳбари Лазиз Бувабеков, Қишлоқ қурилиш банки шаҳар бўлимининг бошқарувчиси Хайрулла Ўролов, "Ниҳол" фирмаси раҳбари Юсуф Эргашев, "Оҳангароншифер" акциядорлик жамияти механиги Икром Аҳмедов сингари янги авлод вакиллари бор.

Бу сайловчилар билан учрашувлар ўзгача бир моҳият касб этишига сабаб бўлаётир, иштирокчиларда эртанги кунимизга ишончни кучайтириб, ўзгача ғурур бағишлаяпти. Энг муҳими, бу номзодлар, уларнинг аниқ-равшан дастурлари, орзу-истаклари халқимизнинг хоҳиш-иродасига монанд эканлиги яққол намоён бўлмоқда, биз – ташкилотчиларда партиямиз сайлов кампаниясини муваффақиятли якунлашига ишончни кучайтирмоқда. Учрашувлар чоғида сайловчилар ҳақиқий мулкдор, фидойи, қобилиятли, тўғрисўз инсонларни, уларнинг сайловолди дастурларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу сайловда партиямиз менинг номзодимни ҳам 10-Оҳангарон сайлов округидан Халқ депутатли вилоят кенгашига кўрсатиб, катта ишонч билдирди. Бошқа номзодлар қатори сайловчилар билан учрашувларда қатнашиб, жонажон шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ўзим раислик қилаётган Илоқ маҳалласи фуқаролар йиғинида ободонлаштириш ишларини яна ҳам кенгайтириш, янги-янги хўжалик субъектлари таъсис этиб, ёшлар ва аёллар учун иш ўринлари очиш ҳақидаги ниятларим билан ўртоқлашмоқдаман.

Сиёсий партиямиз сайловолди ташвиқот-тарғибот ишлари, номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувларини мустақил равишда ташкил этмоқда. Ҳозиргача шаҳримиздаги 20 та маҳалланинг 11 тасида учрашувлар ўтказдик. Уларда шаҳар хўжалиги, кундалик турмуш муаммолари, уларни бартараф этиш юзасидан баҳс-мунозаралар қизғин ўтаяпти. Бу одамлар сайловларга бефарқ эмаслиги, номзодлар тимсолида ўз орзу-умидлари учун сиёсий курашчиларни кўраётганлигидан далолатдир.

Шавкат КОМИЛОВ,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Оҳангарон шаҳар кенгаши раиси.

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ОЛИЙ БАҲО

Ангрен – ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётган Ўзбекистоннинг йирик саноат, кончилик, қурилиш, кўпмиллатли маданият ва маърифат марказларидан бири. Турли мулкчилик шароитида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида барқарор ўсишга эришилмоқда.

Эндиликда шаҳримизда нафақат олис-яқин вилоятлар, балки хорижий мамлакатлар билан ҳам тенгма-тенг савдо муносабатларига дадил киришаётган тадбиркор ва ишбилармонлар кўпайиб боряпти. Тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритиш, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини барпо этишга интилаётган корхона ва муассасалар оз эмас.

Мақсадли дастурий вазифалар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши, албатта, шаҳримиз қиёфасини ўзгартирмоқда, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилишида муҳим ўрин тутаяпти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши, барча бошланғич партия ташкилотларимиз шундай шароитда ўз сайловолди тайёргарлик ишларини бошлади. Биз сиёсий кампанияда муваффақиятли иштирок этишни кўзлаб, аниқ режа тузиб олдик ва белгиланган тадбирларни босқичма-босқич, изчил бажаришга киришдик. Партиямизнинг муносиб номзодларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлигига тавсия этиш, уларда етакчи мавқега эга бўлишга қатъий интилиш бу саъй-ҳаракатларнинг негизига айланди. Биз халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Эсонали Қорабоев, "Ўзбеккўмир" ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳамроқул Хурсанов, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назарова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Алиқул Ўринбоевнинг номзодларини кўрсатдик. Тегишли сайлов округлари бўйича уларнинг номзоди рўйхатга олинди.

Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлигига корхона ва ташкилотларда, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларида, хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали меҳнатлари билан ҳамшаҳарларимизнинг ҳурматига сазовор бўлган, юқори билимли, ғайрат-шижоатли кишилар номзодини саралаб олдик. Улар қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда рўйхатга олиниб, шу кунларда сайловчилари олдида ўз сайловолди дастурлари, орзу-режаларини баён қилиб, учрашувлар ўтказишаяпти.

Албатта, турли сиёсий партиялар ўртасида ҳар бир депутатлик ўрни учун рақобатли кураш қизғин тус олган бир пайтда сайловолди кампаниясини муваффақиятли, таъсирчан ташкил этиш осон эмас. Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, сайловолди учрашувлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоялари ва дастурий вазифалари кенг жамоатчиликка яқин ва тушунарли эканлигини тасдиқламоқда. Шу боис, партиямиз томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳар бир чиқиши, улар баён этаётган сайловолди дастурлари барча иштирокчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

Бу – табиий, албатта. Зеро, партиямизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган сайловолди платформасида ҳам бу ғоя ва вазифалар янада ривожлантирилиб, алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутиши қатъий таъкидланди. Унда иқтисодий ислоҳотларга ижтимоий самарадорлик бағишлаш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш, меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун барқарор асос яратиш, ижтимоий ва коммунал хизматлар сифатини кўтариш, устувор ижтимоий дастурлар изчил бажарилишига эришиш, ташқи сиёсатда тенг ҳуқуқли мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни етакчи мезон қилиб олиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий йўналишларини ташкил этиши яна бир бор таъкидлаб ўтилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон мустақиллигининг ибтидосида етакчи сиёсий куч сифатида майдонга чиққан ХДП ўтган йиллар мобайнида муайян тажриба орттирди, аҳоли кенг қатламлари ўтган сайловларда партиямизга юксак ишонч билдирди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, деярли барча маҳаллий вакиллик органларида партиямизнинг кучли фракцияси ва депутатлик гуруҳлари иш олиб бориб, қонун яратувчилик, қонунлар ижроси мониторингини амалга ошириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Партиямиз аҳоли манфаатларини кўзлаб, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлашни устувор вазифа деб эътироф этади ва қўллаб-қувватлайди. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат бош йўлдаги муваффақиятларимиз бугунги уюшқоқлик, қонунлар устуворлиги, ижро интизомига боғлиқ. Шу боис ҳозирги босқичда, айниқса, жамият манфаатларига хизмат қиладиган йўлни оғишмай амалга оширишда давлат бошқарув органларининг роли алоҳида. У эса, халқ вакиллик органлари кундалик назорати остида бўлиши лозим.

Сайловчилар номзодларимиз дастурларида алоҳида урғу берилган ана шу ҳолат меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирмоқдалар. Мана шу ишонч, ҳайрихоҳлик ва қўллаб-қувватлаш яқинлашиб келаётган сайловларда партиямиз номзодлари кўп овоз олишлари, халқ вакиллик органларининг барча бўғинларида партиямиз кучли депутатлик гуруҳларини ташкил эта олишига умидимизни кучайтирмоқда.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ангрен шаҳар кенгаши раиси.

Материалларни «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йилда инқирозга қарши чоралар ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш натижасида шаҳримизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6 фоизга, истеъмол товарлари ҳажми 8,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари 27,5 фоизга, чакана товар айланмаси 18 фоизга, пуллик хизмат 30 фоизга, маиший хизматлар 59,4 фоизга кўпайиши таъминланди.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

2009 йилнинг 9 ойи давомида 36 млрд. 75,1 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2008 йилга нисбатан 538,1 фоизга тенг бўлди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, киритилган инвестицияларнинг 69 фоизи, яъни 24 млрд. 913 млн. сўми ҳукумат томонидан республика ҳудудида қулай инвестицион муҳит яратилиши ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида киритилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳиссасига тўғри келди.

Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оқилона инвестициялар киритиш ҳисобига 9 ойда аҳоли бандлигини таъминлашда катта ўсишга эришилди. Хусусан, 2431 та янги иш ўринлари яратилиб, режа 101,5 фоизга уддаланди. Янги иш ўринлари асосан кичик корхоналар ва микрофирмалар барпо этиш ва уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига яратилди. Жумладан, йирик саноат корхоналарида касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 313 та янги иш ўринлари очилди.

Ҳисобот даврида замонавий хорижий технологияларни шаҳар саноатига олиб киришга алоҳида эътибор берилди. "Уздунробита МТС", "Фараз ЛТД" ва "Лорена" қўшма корхоналари, "Матиз пепер продукт" хорижий корхонаси ва бошқа ишлаб чиқариш субъектларига аниқ мақсадларни кўзлаб инвестициялар киритилди.

"Қувасой цемент" ОАЖнинг Янгийўл шаҳридаги собиқ "Инсоф" масъулияти чекланган жамиятининг темир-бетон ишлаб чиқариш тузилмаси базасида қайта қурилаётган корхонага 16 млн. 200 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси киритилган. Лойиҳа бўйича ушбу корхона қурилиши 2008 йилнинг август ойида бошланган ва 2010 йилнинг июнь ойида якунланади.

Республика Президентининг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича дастурга киритилган объектлар муддатидан олдин барпо этилиб, ишга туширилди. Жумладан, 2009 йилда 28 та хизмат кўрсатиш ва сервис шахобчалари очиш белгиланган бўлиб, амалда 9 ойда 314 шохобча ташкил этилди ва топшириқ 11,2 баравар ортиғи билан бажарилди.

Инқирозга қарши дастурга киритилган тадбирларни бажара бориб, олдинги йиллар давомида банкрот ҳолатига келган "Болалар таомлари холдинг компанияси" очиқ акциядорлик жамияти базасида 2009 йил январь ойида 12,5 млрд. сўмлик Низом жамғармасини шакллантирган "Киндер фрутс" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги янги корхона ўз фаолиятини бошлади. Корхонада 100 та янги иш жойлари ташкил этилади. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, бир неча йиллардан бери фаолият юритмаётган "Янгийўл дон маҳсулотлари" ОАЖда ишлаб чиқаришни тиклаш чора-тадбирлари бошланди. Корхонага 2009-2010 йиллар давомида 1 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш белгиланди.

Корхоналарни модернизациялаш дастурига киритилган "Янгийўл шаҳар савдо" масъулияти чекланган жамияти базасида қолипли нон ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга 200 млн. сўмдан кўпроқ капитал маблағлар сарфланди ҳамда янги замонавий технологияларни шаҳар иқтисодиётига олиб кирилиши таъминланди.

2009 йилда "Янгийўл полипропилен қоплари" кичик корхонаси иш бошлади. Йилнинг иккинчи ярмида 168 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестицияларини ўзлаштириш ҳисобига MAGIS PAPER PRODUCTS хорижий корхонаси ташкил этилди. Унда ип йигирув корхоналарида фойдаланиш кўзда тутилган ғалтак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва 20 дан ортиқ янги иш жойлари очиш кўзда тутилган. Бундан ташқари "Металлопластмасс" корхонасида 700 млн. сўмлик реконструкция ишлари бошлаб юборилди.

Шаҳарда инқирозга қарши дастурга киритилган 24 та объектдан 16 таси фойдаланишга топширилди. 4 тасида 85 фоиз ишлар ниҳоясига етказилди. Яна 4 та объектда белгиланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосидаги ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2009-2010 йил кузқиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда вилоят ҳокимининг шу масалага оид қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, мукаммал таъмирлаш режасига киритилган 1,3 км. узунликдаги ичимлик сув қувурлари таъмирланди. Шунингдек, дастурдан жой олган битта мактаб, битта болалар боғчаси мукаммал таъмирдан чиқарилди. 2009 йил дастурига киритилган 1991 йилгача қурилган 13 та кўп қаватли уйлар бугунги кунга қадар мукаммал таъмирланди. Қолган уйларда ҳам таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилади.

8 та қозонхона, 20 та қозон, 15 км. иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди. 1 км. иссиқлик трассалари изоляция қилинди. 3 км. узунликдаги газ тармоқлари тартибга келтирилиб, бўяб қўйилди. Шаҳардаги мавжуд 131 та газ тақсимлаш пунктлари кўрикдан ўтказилди. 6,5 км. сув тармоқлари жорий таъмирланиб, соз ҳолатга келтирилди. 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлардан 207 таси дастурга мувофиқ жорий таъмирланди.

Шаҳар ички истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг кафолатланган таъминотини яхшилаш, маҳсулот тури ва ҳажмларини кўпайтириш, нарх-наво асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида захира ғамловчи ташкилотлар томонидан 2009-2010 йиллар мавсуми учун 136 та фермер хўжалиги билан 4360 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилиб, режа юз фоиз бажарилди. Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз аҳли Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини ёруғ юз билан якунлаб, янги Баркамол авлод йилини улкан орзу-мақсадлар билан қарши олмоқда.

Зафар ФАЙЗУЛЛАЕВ,
шаҳар ҳокими.

Шаҳардаги технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 1000 дан зиёд эртамиз давомчилари таҳсил олмоқдалар. Коллежнинг ўқув-услубий ва бадиий адабиётларга бой кутубхонаси ҳамиша ёшлар билан гавжум.

КЕЛАЖАК БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

Шаҳримиздаги 12 та мактабда 11416 ўқувчига 505 педагог таълим-тарбия бераяпти. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 2004-2009 йилларда 11 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

2005-2009 йилларда таъмирдан чиқарилган мактаблар мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминланди.

Халқ таълими бўлимига қарашли барча муассасалар телефон алоқалари билан таъминланган. 2008-2009 ўқув йилида директор жамғармасидан устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлган 163 ўқитувчи касб маҳорати ва синфдан ташқари машғулотлар учун қўшимча ҳақ олмоқда. Ёш ўқитувчиларга катта иш стажига эга бўлган мураббий педагоглар бириктирилган.

Халқ таълими бўлимига қарашли 13 та мактабгача тарбия муассасаларида 2067 болага 162 мураббий тарбия бермоқда. Улар "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида иш олиб бораяптилар.

13-мактабгача таълим муассасаси жисмоний йўналиш бўйича "Доимий ҳаракатдаги малака ошириш маркази"га айлантирилиб, шаҳар ва вилоят миқёсида кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилаётир. "Жажжи гўзаллар", "Соғломжон-полвонжон", "Севимли ўйинчоқлар", "Ўзбек миллий ўйинлари", "Мафтункор ранглар дунёси" шулар жумласидандир.

Иккита мактабдан ташқари таълим муассасаси тўғараклариға 782 бола жалб этилган. Бундан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар мусиқа мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Таълим муассасаларимизда кутубхона фаолиятига катта эътибор бериляпти. Барча кутубхоналарда ўқувчилар услубий адабиёт ва ижара дарсликлари билан таъминланаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бўйича 5, 13-умумтаълим мактабларида ахборот-ресурс маркази ташкил этилиб, кутубхона фонди қайта рўйхатдан ўтказилди. Марказ иккита компьютер техникаси билан таъминланди. 5-умумтаълим мактабида етакчи кластер синфлари керакли компьютер техникаси, веб-камера, мультимедиа проектори, рақамли фотокамера, электрон ўқув материаллари билан жиҳозланди.

Мактаб ўқувчилари "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "ОИТС – умр заволи", "Мафтункор ранглар жилоси", "Умид ниҳоллари", "Яшил чироқ", "Янги авлод", "Келажак овози" кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Биз ўтиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мактаб таълими тизимида амалга оширишга улгурмаган ишларимизни келаётган Баркамол авлод йилида амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Шукур ҲОШИМОВ,
шаҳар ҳалқ таълими бўлими мудири.

Янгийўл шаҳри

ЙИЛ ПОЁНИГА ЕТМОҚДА, ЮТУҚЛАР ЭСА САЛМОҚЛИ

СУВ ТАЪМИНОТИДА МУАММО БЎЛМАЙДИ



"Ёзда ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан" мақолида ҳикмат кўп. Энг муҳими, ундаги қиш ғамини ёзда ейишга даъват кўпчиликни бефарқ қолдирмайди.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг иқтисодиёт тармоқлари, барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 2009-2010 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори тегишли тармоқлар учун дастуриламал вазифасини ўтади десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, Янгийўл шаҳар ҳокимлигининг ушбу дастурий ҳужжатда белгилаб берилган вазифаларни вақтида ва тўла-тўкис бажаришга қаратилган қарорида бизнинг корхонамиз амалга ошириши лозим бўлган ишлар аниқ кўрсатиб берилди. Уни мукаммал ижро этиш мақсадида ёз ва куз ойларида бажариладиган устувор вазифаларни олдиндан режалаштириб олиб, шу асосда иш юритдик.

Таъкидлаш жоизки, мўлжалдаги ишларни маромида амалга оширишда асосий эътибор сифат масаласига қаратилди. Зеро, биз учун энг муҳими қишқировли кунларда аҳоли иссиқ ва ичимлик сув таъминотида қийналиб қолмаслигидир.

Шу мақсадларда аҳолига узлуксиз обиҳаёт етказиб берувчи 144,7 километр узунликдаги ичимлик суви ва 43,66 километрли оқава сув тармоқлари ва қувурларини яна бир бор текширувдан ўтказилиб, таъмирталаб жойлар аниқлаб олинди. Шунга мувофиқ корхонамизнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиб, 43 километр ичимлик сув тармоқлари мукаммал, 6,5 километри жорий таъмирдан чиқарилди. Ичимлик сув узатувчи 8 та насос, ўндан зиёд сув тақсимлагичлар мукаммал таъмирланиб, соз ҳолга келтириб қўйилди.

Биз 2010 йилда бажаришимиз лозим бўлган муҳим ишларимизни ҳам ҳозирданоқ аниқ белгилаб, мукаммал дастур ишлаб чиқдик. Шубҳа йўққи, бу дастур тўла амалга оширилгач, шаҳримизда ичимлик сув таъминоти ва оқава сувлар тизимида муаммолар бўлмайди.

Н. АМИНОВ,
"Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси бош муҳандиси.

Марказий шифохона ҳамширалари Шаҳноза Неъматова ҳамда Назокат Ҳасанова янги келтирилган дори-дармонлар йўриқномаси билан танишмоқдалар.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси бу борада кенг қамровли ишлар олиб бораётир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан тиббиёт соҳасидаги ишлар янада жонланди. Ҳозирги кунда Янгийўл шаҳрида 64 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларга кўп тармоқли марказий поликлиника ва шаҳар врачлик пунктлари намунали хизмат кўрсатаётир. Якунланаётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тиббиёт бирлашмасининг қабулхонаси, шошилинч тиббий ёрдам ва ошхона бўлимлари жорий таъмирланди. Бунда шаҳар ҳокимлиги яқиндан кўмак берди.

Республика Президентининг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида бирлашмамизга 3 та янги "Дамас" русумидаги тез ёрдам машинаси тақдим этилди. Шунингдек, беморларга ёрдам кўрсатиш мақсадида дори-дармон захиралари учун 26 миллион сўм маблағ ажратилди. "Саломатлик-2", "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" инвестиция лойиҳаси бўйича туғруқ муассасалари ҳамда шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари энг замонавий асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги таъкидланган. Дарҳақиқат, оилада келгуси авлод шаклланади. Бунинг учун кимлигидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билмоғи лозим. Юртбошимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш" ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Рустам ЖЎРАЕВ,
шаҳар марказий шифохонаси ташкилий бўлим мудири.

БИРЛАШМАГА ЯНА УЧТА «ДАМАС»

Ватан – маҳалладан бошланади, деганлари бежиз эмас. Ўзбек маҳалласидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ўсиб келаётган авлод тарбиясида беқиёс аҳамият касб этади.

Шаҳардаги «Олтинобод» маҳалласи аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Дадабоев иш фаолиятининг салмоқли қисмини ёшлар масалаларини ҳал этишга қаратади.



Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ ҳамда Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

БОКСЧИМИЗ ТУРНИР ҒОЛИБИ

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) президенти кубоги учун дунёнинг энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирокида ўтказилган анъанавий турнирда ҳамюртларимиздан Орзубек Шоимов олтин, Рамзжон Аҳмедов бронза медаль билан тақдирланди.

Осиё-1 жамоаси сафида ўзбек бокс мактаби шарафини муносиб ҳимоя қилган О. Шоимов 64 килограмм вазн тоифасида Жон Жо Невинни 7:3 ҳисобида мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Иқтидорли ёш боксчимиз Р. Аҳмедов 91 килограмм вазн тоифасида ғаналик Йекени Авусонни 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. Бироқ, у финал йўлланмаси учун ўтказилган баҳсда мағлубиятга учраб, нуфузли мусобақанинг бронза медали билан кифояланди.

ЎзА.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА!

Токио шаҳрида дзюдо бўйича "Катта дубулға" турнирига кирувчи нуфузли халқаро турнирда дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатидан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари иккита бронза медални қўлга киритди.

Халқаро дзюдо федерацияси рейтингида ўта оғир вазн тоифасида иккинчи ўринда бораётган Абдулла Тангриев беллашувларда муваффақиятли иштирок этди. Пекин Олимпиадасида кумуш медални қўлга киритган ўзбек полвони дзюдо ватанидаги мусобақада эстониялик Юхан Мэттис ҳамда грузиялик Адам Окруашвилини енгиб, бронза медаль билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибида қатор мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган Дилшод Чориев бу гал ҳам мухлису мутахассислар ишончини оқлади. Оғирлиги тўқсон килограмм бўлган дзюдочилар беллашувида татамига чиққан ҳамюртимиз Хитой Тайпейи вакили Хао Вей Чан, польшалик Виктор Творзидло ва италиялик Лоренцо Багноли устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Диққат, янгилик!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Мамлакатимизда матбуот нашрларига обуна кампанияси ҳал қилувчи палладага кирган бир вақтда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали Сиз учун енгиллик туғдириш мақсадида матбуот нашрларига 2010 йил учун обуна нархларини сезиларли даражада арзонлаштирди.

Энди сиз "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарига аввалгидек **58368 сўм** эмас, балки **47124 сўм** тўлаб йиллик обуна бўлишингиз мумкин.

Шошилинг, имкониятни қўлдан бой берманг.

Бизнинг индекс:
«Тошкент ҳақиқати» – 205
«Ташкентская правда» – 207

ТУШУНГАН ЙИГИТ ЭКАНМАН

Ишларга кўмилиб, хуноб бўлиб ўтиргандим, бир кампир кириб келди. Ўзимни қўлга олиб юзимда табассум пайдо қилдим:

– Келинг, холажон, келинг!

– Юрибсанми, болам? – кампир елкамдан олиб кўришди. Стулга ўтириб дуога қўл очди. – Илоё омин, ўтирган ўрнинг йўқолмасин, сенга қасд қилганлар паст бўлсин, бола-чақанг билан ўйнаб-кулиб юравер!

Юзимга фотиҳа тортиб:

– Хуш келибсиз, хола. Хўш, хизмат? – дедим.

– Ўғлимнинг ойлиги масаласида келовдим.

– Яхши. Ўғлингиз бизда ишлайдими?

– Йўқ, аптабазада шопир. Бир ойдан буён уйда кўрпа-тўшак қилиб ётибди, касал, ишга чиқмайди. Қоғозинг йўқ дейишиб, ишдан ҳам бўшатиб қўйишибди.

Тушундим, кампир адашиб келган. Шундай бўлса-да:

– Қўйинг, хафа бўлманг, ўзи саломат бўлса иш топилаверади, – дедим ҳамдардлик билан.

– Чолим ўлиб кетган, – ҳиқиллаб давом этди кампир. – Мен пенсиядаман. Келинимнинг пули ўзидан ортмайди. Худо хайрингни берсин, болам, ўғлимнинг пулини ундириб бергин.

– Сиз бу ерга адашиб келиб қолибсиз, холажон, – босиқлик билан тушунтира бошладим. – Бу ер тайёрлов идораси. Биз аҳолидан мева-чева, полиз маҳсулотлари олиб, керакли жойга жўнатиш билан шуғулланамиз. Сизнинг ўғлингиз бўлса шофёр. Автобазада ишлайди...

Кампир гапимни шартта бўлди:

– Ўғлимнинг касаллиги тўғрисида қишлоқ дўхтиридан қоғоз ҳам олиб келганман. Менга раҳминг келмасаям, келинимга раҳминг келсин, жон болам. Тўртта боласи билан эрининг тепасида шумшайиб ўтирибди. Тилипон қиласанми, тайинлаб айтасанми, бир иложини қил, болам.

– Аҳволингизни тушуниб турибман, хола, – сал аччиқ аралаш гапира бошладим. – Сиз ҳам мени тушунинг-да. Бу ер тайёрлов идораси. Аҳолидан мева-чева, полиз маҳсулотлари олиб, керакли жойга жўнатиш билан шуғулланамиз. Ўғлингизнинг ишига идорамизнинг мутлақо алоқаси йўқ!

– Маҳалла қўмитасидан ҳам тўртта боласи бор деган қоғоз олиб келганман, – кампирга гапим умуман кор қилмади. – Мен пенсиядаги одам бўлсам, чолим ўлиб кетган. Ўғлим...

Юрагим сиқила бошлади.

– Уфф! Тушунаяпман аҳволингизга! Аммо, сиз ҳокимиятга ёки ўғлингиз ишлайдиган автобазага боришингиз керак.

– Арз қилиб бордим икковига ҳам, – кампир бўш келмади. – Гапларимга қулоқ солишмади. Айланай сендан, болам, керак бўлса ҳокимдан ҳам қоғоз қилдириб келиб бераман, ўғлимнинг пулини ундириб бергин.

– Вой-вой-во-ей! – деб юбордим. Кейин яна ўзимни босиб тушунтиришга уриниб кўрдим. – Ахир бу жой, айланиб кетай хола, тайёрлов идораси. Мева-чевани тайёрлаш ва жўнатиш билан шуғулланамиз. Ўғлингизнинг иши юзасидан менга мурожаат қилишингиз консерва заводига ёки дорихонага кириб ажрашмоқчимиз, никоҳимизни бекор қилиб беринг, дегандай гап, холажон!

– Йўқ, болам, сен яхши тушунмабсан, – кампир бармоқларини бир-бир санаш оҳангида, тушунтира кетди. – Келиним ажрашмоқчи эмас. Ўн беш йил рўзғор қилиб, ўғлим ярим жон бўлганда ташлаб кетадими?!

– Йўқ мен айтмоқчиманки... – деб оғиз жуфтлаганим, у гапиргани қўймади.

– Никоҳларидан кўнглинг хотиржам бўлсин. Қонуний бўлган. Ишонмасанг, Қосим аравакашдан сўра. Қайнотасининг аравасида олиб бориб келган.

– Сиз мени тушунмадингиз, мен...

– Ундан кейин ўғлим шунча кун касал бўлиб ётса-да, дорихонадан қарз бўлганим йўқ, пенсия билан эпладим. Кейин келиним консерва заводида эмас, фермер хўжалигида ишлайди. Бечоранинг тўртта боласи бор, – кампир йиғлаб давом этди. – Эри бу ёқда кўрпа-тўшак қилиб ётибди...

– Тушундим холажон, тушундим, – қўлларим бориб кўксимга ёпишиб қолди. – Бир ойдан буён ишга чиқмайди. Ўғлингизнинг ойлигини суриштириб борсангиз бершмади. Унинг устига ишдан ҳам бўшатиб қўйишибди. Сиз пенсиядаги одамсиз. Чолингиз ўлиб кетган. Энди сиз менга ўғлимнинг пулини ундириб бер деб келиб ўтирибсиз, тушунибманми?

– Ҳа, тушунибсан, болам, – кампир яйраб кетди.

– Энди сиз ҳам мени тушунинг, холажон, – негадир йиғлагим кела бошлади. – Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келасиз. Бу ер...

– Тайёрлов идораси, – у сўзимни илиб кетди. – Аҳолидан мева-чева, полиз маҳсулотлари олиб, керакли жойга жўнатиш билан шуғулланасизлар, тушунибманми?

– Бор экансиз-ку, холажон, бор экансиз-ку! – дедим жўшиб. – Шундай бўлгач, мендан нима истайсиз?

– Ўғлимнинг пулини ундириб бергин, жон болам!

– Вой-вой-вой-ей! – кўнглим тўлиб бақириб бердим. – Ахир бу ер тайёрлов идораси...

– Майли, болам, майли. Фақат ўзингни бос.

– Аҳолидан мева-чева олиб...

– Керакли жойга жўнатасизлар!

Қарасам, кампир мени юпатяпти, юпатгандаям майна қилиб овутяпти.

– Ўзи қанча ойлик оларди, ўғлингиз? – тушунтириш беҳудалигини билиб сўрадим.

– Юз эллик, юз олтмиш минг уйга олиб келарди.

Бор пулимни олиб кампирга узатдим:

– Мана, мен билан ойлиги баравар экан, санамасангиз ҳам бўлади, ҳалигина олгандим. Олинг-у қорангизни ўчиринг, бўлмаса ҳозир жинни бўлиб қоламан.

– Раҳмат, болам, раҳмат. Ётиғи билан тушунтирсангиз ўғлингизнинг пулини ундириб беришади, дейишганди, тўғри айтишган экан. Умрингдан барака топ болам, тушунган йигит экансан.

Эшик ёпилиши билан кўкрагимга муздай шабада теккандай бўлди. "Хайрият" деб тургандим, эшик очилиб яна кампирнинг боши кўринди:

– Ҳа, айтмоқчи, болам, ўғлимни қайта ишга жойлаштириш масаласида қачон келай?

Жавоб беролмай креслода хушсиз қолибман.

Олчин БЕК.

Бу – қизиқ

ОНА МЕҲРИ ВА СЕҲРИ

"Бу дунёда улуғ зот ким десанг, доим онам дерман" дея куйловчи хонанда юз фоиз ҳақ. Онанинг буюклигию суюклигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Она қудрати ҳақида озмунча афсоналар тўқилмаган. Қуйида афсона эмас, айрим қизиқарли ҳаётий воқеаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

КЕКСАЙГАНДА ШАРТМИДИ?

Фарзандли бўлиш – барча оналар учун энг буюк орзу. Ва аксинча, фарзандсизлик – улар учун энг оғир қайғу.

Руминиялик Адриана Илиеску бутун дунё аҳлини ҳайрон қолдириб, 135 куни кам 67 ёшида фарзандли бўлди.

У бутун умри давомида шуни орзу қилиб келди. "Мен ҳам лоақал ҳомиладор бўлармиканман" дея зорланиб яшади. Ўн йиллар давомида врачларнинг оғир талаб ва машаққатли йўл-йўриқларини тишини тишига қўйиб бажарди.

– Ҳечқиси йўқ, – дейди қарийб кампир ёшида "топган" қизалоғини бағрига босиб, – ахир фарзандли оналарнинг ҳаёти ҳам фақат хурсандчиликдан иборат эмас-ку.

ЖАМИ 69 ТА ЭМИШ

Бепуштлик – ҳар қандай аёл учун фожиа. Аммо, серпуштликнинг ҳам меъёри бўлгани маъқулга ўхшайди.

Ўн саккизинчи асрда яшаб ўтган рус деҳқон аёли Васильева 69 та бола кўрган. Қизиғи шундаки, бу қаҳрамон онанинг исми ҳанузгача жумбоқ. Ахир ҳар куни 69 бола атрофини ўраб, "ойи"лаб турса, бечора онанинг исми кимнинг ҳам эсига келарди.

Бу аёл Гиннес китобига киритган ушбу рекорд натижани энди ҳеч ким ўзгартиролмаса керак.

ЭНГ ФИДОЙИ ОНА КИМ?

Жавоб беришга уринманг, барибир тополмайсиз. Негаки, бу она "ким?" эмас, "нима?" деган саволга жавоб бўлади. Ўзбек тили грамматикасининг қоидаси шундай.

Қарангки, ер юзидаги жамики тирик мавжудотлар орасида кенгуру энг фидойи она экан. У жимжилоқ катталигида туғиладиган митти жонни бир йил давомида халтасида авайлаб парваришлайди.

Бунданда қизиғи – она кенгуру боласининг ёшига қараб, тўрт хил сут ишлаб чиқарар экан. Афсуски, бизнинг баъзи оналар ўз фарзандларига оддий кўкрак сутини ҳам раво кўрмайдилар.

Хориж матбуоти материаллари асосида Самад ЙЎЛДОШ тайёрлади.

ЧП "HAPPI-GRUZ" (ИНН 207001479, ОКОНХ 51510), зарегистрированное в Яккасарайском районе, ул. Б. Хилолий 3-тупик, д. 4.,
ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Утерянный гос. ордер № 04-01/10906 от 01.02.93 г. права собственности на квартиру Макова Александра Семеновича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧП "DISE TEDDI" (ИНН 301016420), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията С. Рахимовского района г. Ташкента (реестр. № 002996-05 от 29.12.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Каракамыш 2/4, дом 2-А, кв. 40, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания учредителя № 8 от 14.12.2009 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 229-35-26.

ЗАО "AR-PARDOZ", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Бектемирского района извещает об изменении своего статуса на ООО "AR-PARDOZ" и является его правопреемником.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Бектемирский район, махалля Мажнунтол, ул. Проектная, 115. Тел.: 295-61-74.

Утерянный гос. ордер, план на квартиру, выданный БТИ Учтепинского района г. Ташкента: договор купли-продажи на квартиру по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, массив Чиланзар, 31-квартал, дом 12, кв. 74, выданный на имя Сидикова Фазилджана Садиковича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Утерянный план квартиры, выданный Мирзо Улугбекским БТИ по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Промышленная (Файзиева), д. 3, кв. 6 на имя Тохтахунова Касима Абдикадировича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

В связи с преобразованием ОАО "Узбекгазсувкурилиш" на MCHJ "O'ZBEKGAZSUVQURILISH" сообщает об уменьшении уставного фонда с 142512 тыс. сум на 112118 тыс. сум.

Опубликованное объявление в газете "Тошкент ҳақиқати" № 68 от 26.08.2009 г. о недействительности "Диплом В № 22309, выданный Университетом Мировой экономики и дипломатии в 2005 г. на имя Самадова Фархода Мухамадиевича"
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 2008 йилда Ҳамроев Акмал Амонович номига берилган (қайд рақами 14065) № 289768 рақамли грант асосида битириб, диплом кучини берувчи ташкилот йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.03.2007 йилда № 002709-10 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 300327042) "BOTIR BROK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Mavluda konsalt" адвокатлик бюросига Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2006 йил 4 июлда берилган № 65821-сонли гувоҳнома ҳамда бюрога тегишли бурчак тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳамза тумани, 1-проезд Хосият, 11-уй манзилида яшовчи Маврипов Фархад Махмудович номига Ҳамза туман БТИ томонидан берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 40-а уй, 56-хонадон манзилида яшовчи Утемуратова Магрифа Пердебаевна номига Яккасарой туман БТИ томонидан берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2009 йил 12 декабрь 99-сонида Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан чоп этилган эълондаги "2010 йил 12 январь куни ШИ-14 й.т. "Аммофос ОАЖ – Тўқай – Жалойир маҳалласи" йўналиши ШИ-14 "Аммофос ОАЖ – Тўқай – Жалойир маҳалласи" йўналиши деб ўқилсин.

QISHLOQ QURILISH BANK

Ҳамюртларимизга янги юқори фоизли ва муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

"Совға" – муддати – 1 ой, устама фоизлар йилига – 30 %
"Матонат" – муддати – 3 ой, устама фоизлар йилига – 30 %
"Тафаккур" – муддати – 4 ой, устама фоизлар йилига – 29 %
"Фойдали" – муддати – 5 ой, устама фоизлар йилига – 27 %
"Заковат" – муддати – 6 ой, устама фоизлар йилига – 28 %
"Табиат" – муддати – 8 ой, устама фоизлар йилига – 28 %
"Капитал" – муддати – 12 ой, устама фоизлар йилига – 26 %
"Адолат" – муддати – 18 ой, устама фоизлар йилига – 25 %

Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17 www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан, 13.11.09й, №3467-2009 ижро ҳужжатига асосан, "Дамас" русумли, д/р 30N9826 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 885 263 сўм.

II. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан, 13.07.09й, №11-0919/10505 ва 01.12.08й, №10-0812/13036 ижро ҳужжатларига асосан, Бўка т., "Сағбон" корхонаси биносида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда: 1. "Т-28х4М" русумли, з/р 532412, 1993 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 10 065 600 сўм. 2. "2 ПТС 4-793" русумли, д/р йўқ, 1993 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 740 088 сўм. 3. "2 ПТС 4-793" русумли, д/р йўқ, 1996 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 798 912 сўм. 4. "2 ПТС 4-793" русумли, д/р йўқ, 1994 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 998 640 сўм. 5. "2 ПТС 4-793" русумли, д/р йўқ, 1994 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 925 110 сўм. 6. "2 ПТС 4-793" русумли, д/р йўқ, 1995 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 798 912 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 19 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт ва техника воситалари 2010 йил 19 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт ва техника воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 9 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 5 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:

III. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан "Нексия" русумли, д/р X232NVM бўлган, 1997 йилда и/ч, Бўка тумани АМТФКМНБ жарима майдонида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 21.05.09й., №01-190-2009). Бошланғич баҳоси – 4 961 566,08 сўм.

IV. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: "Чинозйўлиндустрия" ИЧКга тегишли корхонада сақланаётган (23.06.08й, №11-0807/4884, 04.08.08й, №11-0828/6902, 06.10.08й, №11-0828/8824, 28.11.08й, №11-0828/14091, 28.11.08й, №11-0828/14092 ижро ҳужжатларига асосан хатланган) 1. "Нексия" русумли, д/р 11AB709 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 855 360 сўм. 2. "Тико" русумли, д/р 11AN866 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 291 640 сўм. 3. "Ваз-21099" русумли, д/р 11AB461 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 089 566 сўм. 4. "Камаз-5410" русумли, д/р 11AA284 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 440 670 сўм. 5. "Камаз-5410" русумли, д/р 11AO337 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 129 015 сўм. 6. "Камаз-5511" русумли, д/р 11AA277 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 801 773 сўм. 7. "Камаз-5410" русумли, д/р 11AA293 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 982 495 сўм. 8. "Камаз-5320" русумли, д/р 11A6240 бўлган, 1988 йилда и/ч, "Чинозматбуотинвест" МЧЖ омборида сақланаётган автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.06.09й, №2486). Бошланғич баҳоси – 13 074 925 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт ва техника воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52.

Chevrolet NIVA
Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши

Буюртмага

Расмий дилерлар: "SANAR" ХК www.sanar.uz
Тошкент ш., У.Носир к. (мўлжал: Жанубий вокзал, кичик халқа йўли)
тел.: (+99871)140-00-61, (+99890)317-67-97, 325-88-87

CHEVROLET

ДУК "Сувсоз" трести қошидаги "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2010 йил 1 январдан бошлаб аҳоли учун:

Ичимлик суви – 74,00 сўм – 1 м. куб
Оқава хизмати – 36,00 сўм 1 м. куб

Юридик корхоналар учун:

Ичимлик суви – 203.00 сўм – 1 м. куб
Оқава хизмати – 90.00 сўм – 1 м. куб
этиб белгиланганини маълум қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси жамоаси етакчи мутахассис Эркин Назаровга падари бузруквори **БОҲОДИР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-1140. Адади 4150. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15. 2 3 4 5